O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI SHAHRIXON TUMANI HOKIMINING QARORI

Shahrixon tuman, Shahrixon Shox ko‘cha 4-uy

2022 - yil 24 - iyun 226-1-28-Q/22 Shahrixon tuman hokimligi

Шахрихон тумани ҳудудидаги умумфойдаланувда бўлган автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, Шаҳрихон тумани ҳудудидан кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситалари тирбандликлари юзага келишининг олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек Шахрихон ТЙФУКнинг 2022 йил 26 майь кунги 01- 1/182-сонли хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-,25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шахрихон ТЙФУКнинг 2022 йил 6 майь кунги 01-1/182-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор қабул қилинишини муносабати билан:

Пиёдалар учун хафсиз харакатланиш учун қулайликларни яратиш мақсадида 4Р-139 “Шахрихон ш – Қува ш” автомобиль йўлининг ўнг қисмидаги пиёдалар йўлкасида 12 та жойга 3.9 “Велосипедда харакатланиш тақиқланади” йўл белгисига рухсат берилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш Унитар корхонаси (Р.Хусанов)га мазкур йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Ички ишлар бўлими ЙХҲБ катта лейтенант (Н.Акбаров)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларини мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилинишига ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга

киради.

6. Шахрихон туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари М.Ғозиевга ушбуқарорни “Шахрихон” газетасива туман ҳокимлигирасмий веб-сайтига жойлаштирилиш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Ахмедовга зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Х.В.Дадахонов**